



# ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-10, (October) 2024  
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

АБДУЛЛАЕВА Хафиза Олимхўжаевна  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

## ҒАРБ УРБАНИСТИКАСИ ВА ШАҲАР АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Урбанистика моделлари, цивилизация ва шаҳар маданияти ҳақидаги илмий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши сабаб бўлган стратегик вазифалар очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** урбанистика, ижтимоий-маданий ривожланиш, ҳудуд, иқтисодий ва маданий ривожланиш, инфратузилма, маданият муассасалари, урбанизация, шаҳарсозлик, эстетик белгилар.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрываются стратегические задачи, которые привели к возникновению городских моделей, научных взглядов и учений о цивилизации и городской культуре.

**Ключевые слова:** урбанизм, социокультурное развитие, худ, экономическое и культурное развитие, инфраструктура, культура, культура, урбанизация, градостроительство, эстетические знаки.

### ANNOTATION

This article reveals the strategic tasks that led to the emergence of urban models, scientific views and teachings about civilization and urban culture.

**Key words:** urbanism, socio-cultural development, hud, economic and cultural development, infrastructure, culture, culture, urbanization, urban planning, esthetician signs.

Урбанистика моделлари, цивилизация ва шаҳар маданияти ҳақидаги илмий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши, шаклланиши, маълум бир концептуал моделлар сифатида қаралиши ғарб тарихи, гносеологик изланишлари, футурологик тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқдир. Қисқаси, маданият ҳақидаги тасаввурларнинг назариялар сифатида шаклланиши ғарб тафаккурининг маҳсуллари дир. Шунинг учун ҳам урбанистика ва шаҳар аҳолиси турмуш маданиятини ўрганиш ўрганиш ғарб тажрибаларига ҳам мурожаат этишга ундайди. Бу ўринда ретроспектив ёндашув билан турмуш маданиятини социодинамик кузатув уйғун келади. Аслида Маданиятшунослик фалсафанинг комплекс ва тизимли функционал ёндашувларидан фойдаланишни афзал кўради.

Ретроспектив ва социодинамик ёндашувлар уйғунлиги мавзунини куйидаги йўналишлар (моделлар) тарзида очиқ беришга ундайди:

- Қадимги юнон ва Қадимги Рим урбанистика тажрибалари;
- франк (француз) урбанистикаси;
- олмон (немис) урбанистикаси;
- инглиз (британ) урбанизацияси;

- америка (АҚШ) цивилизацияси ва прагматик маданияти;
- скандинавия социалистик модели;
- рус (славян) цивилизацияси ва шаҳар турмуш маданияти.

Бу классификацияни яна давом эттириш мумкин эди, бироқ, бизнинг фикримизча, улар мавзунини очиб беришга етарли манба беради.

Қадимги юнон ва Қадимги Рим маданияти урбанистиканинг муҳим таълимот, турмуш тарзига оид тажриба, борлиқни англаш ва ўзгартириш борасидаги шакллантирилган концептуал қарашга айланган. Ўша даврда яшаган Ҳомер, "тарихнинг отаси" Геродот, Фукидид, философлар Фалес, Биант, Пифагор, Зенон, Сукрот, Демокрит, Платон, Диоген, Аристотель асарларида "culture", "civil", "polis", "demos", "autnomia", "aglomeratus", "agitatio", "akademia", "technike" каби бевосита маданият ва цивилизацияга оид тушунчалар мавжуд. Улар, мана 27 аср ўтган бўлса-да, моҳиятан ва этимологик ўзгармаган.

Цивилизация ва турмуш маданиятининг ўзига хос тарзда шаклланишига аввало табиий-жуғрофий муҳит таъсир этган. Ўрта ер денгиз атрофи ва Юнонистон сув, тоғлиқ билан ўралган, ҳар бир орол ўзи турмуш тарзини ифода этган. Ороллар ўртасидаги кураш марказлашган давлат, умумиллий маданий макон тузишни қийинлаштирган. Полислар ўртасидаги алоқалар мустақкам, умумиллий ҳудудни шаклланишига халақит берган. Бироқ полисларни бирлаштириш истаги мудом бўлган, демак умумиллий маданиятнинг шаклланишига асос, истак бор эди.

Ташқи ҳужумлар, савдо-сотик, хўжалик юритиш учун зарур ноз-неъматларни, жиҳозларни топиш "борди-келди"ни ривожлантиришга ундаган. Эр ав.2 минг йилликларига келиб ер-хўжалик муносабатлари ўрнига ҳунармандчилик, косиблик, савдо-сотик, қулдорчилик тартиблари шаклланади, булар эса урбанистик ривожланиш йўллариини белгилаб беради. Полисларда ўзини ўзи маҳсулотлар, ноз-неъматлар билан таъминлаш тартиби, ҳаёт тарзи юзага келади.

Бу ер-хўжалик усулига асосланган маданий хўжалик типидан фарқ қилади. Қадимги Миср деҳқончилик анъаналари маълум даражада таъсир қўрсатган бўлса-да, полис ҳаёт тарзи мобилликни, топқирликни ва янги-янги воситаларни излаб топишни, ихтирони тақозо этади. Бир неча юз полисдан иборат Ўрта ер денгизи атрофидаги маданиятнинг мобил, ранг-баранг, демократик бўлиши табиий ҳол эди ( Қаранг: История государства и права зарубежных стран. Учебник. -Москва: НОРМА ИНФРА- М., 2001. С.132-133).

Қадимги юнон философлар маданий ҳаётдаги ушбу ранг-баранглик ва демократияни химоя қилганлар, улар полисни монархияга айланишига мудом қарши чиққанлар. Полис демократиями Шаҳар турмуш тарзи маданиятида:

- 1) эркинлик;
- 2) тенг меҳнат;
- 3) ўзини ўзи банд этиш ва таъминлаш;
- 4) полис бошқаришида иштирок этиш;

5) онг, идрок, ақлу тафаккур ва янги меҳнат қуролилари, жиҳозлар яратиш, саройлар, ибодатхоналар, майдонлар қуриш кабиларда келади.

Қадимги юнон ва Қадимги Рим маданияти, урбанистикасида қуллар меҳнати муҳим ўрин тутган. Масалан, Афина ва Римда барпо этилган амфитеатр, муҳташам саройлар, улкан, ҳанузгача архитекторларни ҳайратга солувчи майдонлар, миноралар, дарёларга қурилган кўприклар қуллар меҳнати маҳсуллари дир. Уларни задогон афиналиклар ёки бадавлат римликлар қўллари билан қурган, дейиш қийин. Тўғри, задогон ва бадавлат кишилар лойиҳаларни чизиб беришган, буни инкор қилиш мумкин эмас, бироқ қурилиш ишларини қуллар бажарган. Қуллар сақлаш ва улар меҳнатидан фойдаланиш ўша пайтда афиналик ва римликлар учун одатий ҳол эди. Оиладаги оғир ва ифлос ишларни қуллар бажарган.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шундаки, маданият ва урбанизация ижтимоий Тузум, борлиқ ва тизимлар билан бирга шаклланган, кишиларнинг турли эҳтиёжларига мувофиқ ўзгариб, янгиланиб, давр талаблари таъсирида ривожланиб келган. Маданият ва урбанистика ижтимоий ҳаётдан, борлиқдаги айрича шаклланган феноменлар эмас, улар кишилиқ жамияти ҳаётининг квинтэссенцияси, маҳсули, ифодасидир. Европа Ренессанси кўрсатдики, антик даврдаги маданият, санъат ва урбанистика келгуси ижтимоий-маданий тараққиёт учун асос, таянч қилиб олиниши мумкин. Ундаги артефактлар, маданий бойликлар ва ижодий кўтаринкилик, изланиш Европа тараққиёти учун муҳим рол ўйнади, европаликлардаги ҳурфикрлик, маҳобатлилик, янгиликка ўчлик истакларига таянч, далда бўлди.

Рим империясига қарашли бўлган улкан Европа ҳудудида "варварлар" деб аталган готлар, франклар, бургундлар, аламанлар, англосакслар, герменлар яшаган. Рим германлар ва уларга уюшган франклардан ўз сарҳадларини кўриқловчи дружиналар, кўриқчилар тузган, бироқ вақт ўтиши, айниқса салтанатнинг заифлашиши таъсирида, варварлар ўзи князликларини ташкил этишга, империя тазйиқидан чиқишга киришади. Илк франклар давлати Аквитания 412 йили тилга олинади. У-1X асрлардаги франклар давлати феодал монархияси эди.

Рим империясига тартиблар Галлияга ҳам тааллуқли бўлган. Германлар билан уюшган франклар, айниқса У асрда катта бир ҳудудни эгаллаб олишади ва Рим империясидан алоҳида бўлишга ҳаракат қилишади. Жамиятда бўлиниш, яъни қирол ва унинг аёнлари, хизматчилари ва дружинаси, эркин франклар, ярим эркин литлар ва қулларга ажралиш юзага келди. Бу ижтимоий муносабатларга таъсир этиб, феодал монархияси кучайишига замин яратди. Маданий хўжалиқ типи эса ердан фойдаланиш, ҳаёт учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш, ўчоқни асровчи хизматчиларни ёллаш, қулларни оғир ишларга жалб этиш кабиларга таянди.

Шаҳарлар пайдо бўлди, сарой аёнларининг чиройли, қулай ва дабдабали иншоотлар қуришга интилиши кучайди. Айниқса Фрациск 1, Генрих 11 ва Генрих 1У даврларида француз Ренессанси учун қулай шароитлар яратилди. Италян Ренессанси, XV1 асрга келиб, бутун Европача тарқалади. Айниқса Карл У111 томонидан 22 та йирик италян архитекторларни Францияга таклиф этилиши шаҳарсозликнинг ривожланишга туртки бўлди. Ўша пайтларда қурилган машҳур Бовэ хор-собори, Гальон ва Нафсидаги ҳашаматли бино (замок) лар, Париждаги де Виль отели, Канндаги авлиё Петр ибодатхонаси, Тулуздаги Монталь замоки, Труа собори, Аржантанда Сен Жермен черкови каби бетакрор архитектура санъати намуналари барпо этилади. Улар кўпинча готика услубида бўлган (Қаранг: Вёрман К. История искусства всех времен и народов. - Москва: АСТ, 2001. С.250-269).

Франк урбанистикасининг шаклланиши ва ривожланишида сарой аҳли, бадавлат синьорлар, феодаллар катта рол ўйнаган. Ҳашаматда яшаш одатга айлангач, сарой турли базмлар, зиёфатлар ва ўз мавқеини бошқаларга, айниқса чет эллик меҳмонларга кўз-кўз қилиш учун катта базмхоналар, ётоқхоналар, резиденциялар қурдиришга интилган. Саройга ёқиш учун вазирлар, катта ер эгалари, мулкдорлар ҳам ҳашаматли бинолар тиклаганлар, уларда меҳмонлар учун барча қулайлик, жиҳоз ва интерьерлар яратилган. Париж ўзининг ҳашаматга ўчлиги билан ажралиб турган.

Бугун Франция урбанизация индексига мувофиқ 80,7 фоизни ташкил қилади. Аҳолисининг 85 фоизидан зиёди шаҳарларда яшайди. Францияда минг яшайдиган агломерация, ҳудуд ҳам шаҳар ҳисобланади. Йирик шаҳарлари - Парижда 2,2 миллион, Марселда 1,6 миллион, Лионда эса 1,4 миллион аҳоли яшайди. Мамлакат аҳолиси секин ўсмоқда. Масалан, у 1950 йили 41 миллион 647 минг 258 кишини, 2000 йилда 60 миллион 545 минг 022 кишини, 2010 йилда 64 миллион 658 минг 856 кишини, 2019 йилда эса 67 миллион 012 минг 883 кишини ташкил қилган. Туғилиш 1,8 фоиз, бу Европа континентидаги юқори кўрсаткичдир (Қаранг: [https //geography.ru.course](https://geography.ru/course)).

Франция индустриал, аҳолининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини тўла таъминлайдиган, ижтимоий адолат ва ҳамкорлик принципига содиқ, республика типигаги ижтимоий давлатдир. Унда илмий-техник тараққиётга таяниш билан бирга туризм, маориф, демократик институтлар яхши ривожланган. Ҳар йили Парижга 8 миллиондан ошдиқ саёҳ ташриф буюради, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Француз урбанистик модели аҳолининг фаровон яшашини таъминлашга қаратилган. Унда маданий-маиший хизматларнинг кенг тармоғи мавжуд. Ҳар бир фуқаро уйдан истаган товарини, озиқ -овқатини буюртма бериб олиши, уй-хоналарини тозалатишдан тортиб то саёҳатга чиқса қоровуллар ёллаши мумкин. Маданий-маиший хизматларни махсус фирмалар, марказлар амалга оширди. Дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш французларнинг хоббисига айланган. Европада олмон (немис) урбанистикаси ҳақида Ижобий фикрлар шаклланди. Пунктуаллик, юқори сифати ва ижрочилик ушбу моделнинг ўзига хос белгилари ҳисобланади.

Германия ҳам Рим империясига қарам эди. Феодал монархияси сифатида шаклланишидан то XIX асргача у майда князликлар, ер эгаликларидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги низолар бирлашишга имкон бермаган ( Қаранг: История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник. - Москва: НОРМА ИНФРА- М., 2001. С.316-317). Ушбу ижтимоий-сиёсий шароитлар шаҳарларнинг юзага келиши, улар ролининг ва мавқеининг ошиши, миллий-маданий анъаналарнинг уйғунлашишига ёрдам берган. Италия Ренессансининг таъсирида XVI асрга келиб, ўзига хос шаҳарсозлик, орнаментализм, тасвирий санъат, бой-бадавлат князларнинг уйлари, ратушлар, байрам томошалари ва оммавий тадбирлар учун саҳнали майдонлар, театр заллари, кўрғазмали паннолар билан безатилган собор ва ибодатхоналар қурилади. Аугсбургда авлиё Анна капелласи, Майндаги учбурчакли фонтан, Нюрнбургдаги Гиршфогеллар уйи, Эльзасдаги ратуш, Дрезден саройи, Мюнхендаги авлиё Михаил черкови каби кўплаб бинолар шаҳарлар мавқеини оширган, аҳолининг шаҳарлар атрофида бирлашишга етаклаган.

Бугун Германия урбанистик ривожланиши бўйича АҚШдан кейинги иккинчи, дунёда 68, Европада 19 ўринда туради. Аҳолисининг 90 фоизи шаҳарларда яшайди. Аҳолисининг сони, 2020 йилдаги маълумотларга кўра, 83 миллион 166 минг 711 кишини ташкил қилади. Оилаларнинг учдан бирини мигрантлар ташкил қилади, улар ичида туркиялик ва африкаликлар кўп ( Қаранг: [www.germany-stat.de](http://www.germany-stat.de). 2022.08.11). Аҳолининг зичлиги асосан Берлин, Мюнхен, Лион, Дрезден каби юқори урбанизациялашган шаҳарларга тўғри келади. Бошқа худудлар ва туманларда аҳоли сийрак. Тюринги, Саксония, Бовария каби худудларда аҳоли ўсиш ўрнига камайиб бормоқда. Мамлакатда минг хотин-қиздан 340 таси ишлаш имконига эга. Мамлакатда туғилиш 1, 37 кишига тўғри келади, ўсиш учун эса 2,2-2,3 бўлиши лозим. Германия ҳукумати бир жинсли никоҳга руҳсат берган, бу аслида аҳоли ўсишига салбий таъсир кўрсатувчи омилдир (Қаранг: [ru.m.wikipedia.org/wiki/Нас](http://ru.m.wikipedia.org/wiki/Нас)).

Германияда таълим тизими юқори ривожланган, аҳолининг деярли 60 фоизи олий маълумотли. Ижтимоий-иқтисодий соҳада меҳнат қилаётганларнинг 90-95 фоизи хусусий компаниялар, тадбиркорлардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг асосий субъектига айланган.

Урбанистиканинг олмон(немис) модели ички ва ташқи миграцияни қўллаб-қувватлашга қурилган. Германия ҳукумати ташқи миграцияни чеклашга интиляётган бўлса-да, иқтидорли ёшларни ўз университетларига, инновация марказларига жалб этишни изчил давом эттириб келади. Цивилизация ва урбанистика аҳоли ўсишига Ижобий таъсир етмаслигини олмон (немис) модели ҳам тасдиқлайди. Юқори даражадаги тиббий ва маданий-маиший хизматлар ижтимоий демографик муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам бермас экан. Фарзанд кўриш, уни тарбиялаш, ўқитиш замонавий оилаларга қимматга тушмоқда. Инглиз (британ) урбанистика модели тўғрисида гап кетганида мутахассислар кўпроқ Лондон тажрибасига мурожаат этишади.

Лондонда чоп этиладиган, урбанистика муаммоларига бағишланган Халқаро журнал ("International Journal of Urban and Regional Research") материаллари шаҳар муаммоларини ёритиб боради. Лондон кўкаламзорлаштирилган шаҳар ҳисобланади. Шаҳарнинг 47 фоизи боғлар, газонлар, ландшафтлар билан безатилган. Бинолар атрофини кўкаламзорлаштириш, турли декоратив дарахтлар ва гуллар билан безатиш, ҳар бир уй орқасида кичик- кичик скверлар, ихчам, бетакрор оромгоҳлар қуриш миллий анъана тусига кирган. Уйлар орқасидаги мини бокқа (lower grand floor garden) уй ертўласи орқали ўтилади, у ерда кишилар чиқиб очик хавода дам олишлари, бир бирлари билан учрашишлари мумкин.

Лондонда темир панжаралар, тўсиқлар йўқ, улар ўрнига бир-бирига уланиб кетган газонлар, дарахтчалар экилган бўлиб, шаҳар ҳавосини тозалаб туришга ёрдам беради. Йўлаклар, уйлар олди, савдо-сотик дўконлари, муассасалар олди ландшафти эстетик дид бағишлайди. Шаҳарда барглари ва шох-шаббаларни ёқиш мумкин эмас, ифлослик ва хавони булғаш қораланади. Ахлат пайдо бўлган заҳоти ободонлаштириш идораларига қўнғирок қилишади, кўлмак сув пайдо бўлганида шу ер зудлик билан таъмирланади.

Лондонда болалар майдончалари, турли рангли тошлардан терилган махсус ўйингоҳлар, жисмоний машқ ва физкультура билан шуғулланиш жойлари мавжуд. Майдончаларда каптарлар, кушлар кўп, уларни боқиш тақиқланади. Шаҳардаги озодаликни бузмаслик учун қоғоз ва бошқа чиқиндилар учун махсус идишлар ўрнатилган. Ҳатто ит боқувчилар учун ҳам урна ўрнатилган. Йўлакларда, айниқса уй олди ва ёнидаги майдончаларда ўтириб дам оладиган, нафас ростлайдиган, гулли дарахтлардан ясалган соябонлар эътиборли. Уларда ўтириб, ён-атрофдаги бадий-эстетик безалган ландшафтан ором оласиз. Кўчаларда автомобиллари учун алоҳида тўхташ жойлари, уларга оид диққатни жалб этувчи белгилар ўрнатилган. "Ақлли светофор" ("SCOOT")лар автомобил тезлигини оширишга имкон бермайди, улардан пиёдалар истаган пайтда фойдаланиши мумкин. Шаҳар аҳолисининг 80 фоиздан зиёди ҳаётдан, шаҳардаги хизматлардан миннатдор. Аҳолининг йиллик даромади 37 200 АҚШ долларни ташкил этади.

Англияда таълим тизими ўзинг мавқеи бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Биргина Оксфорд университетига 87 давлатдан келган талаба-ёшлар таълим олади. Мазкур ўқув юртини битирган мутахассисларга талаб катта.

Инглиз (британ) модели, айниқса шаҳарсозлик, тасвирий санъат, уй дизайнлари италян, немис ва нидерланд архитекторлари, мусаввирлари ва дизайнлари ёрдамида шаклланган. Оролдаги табиий-жуғрофий муҳит британларни денгиз шароитидан бешафқат иқлим билан курашиб яшашга ўргатган.

Америка (АҚШ) цивилизацияси ва прагматизми урбанистик тараққиётга ўз таъсирини ўтказган. Бу таъсирда аввало инглиз (британ) тажрибаси борлиги эътироф этиш зарур. Буюк Британия колонияси бўлган АҚШ кўпгина ижтимоий-маданий жиҳатларни ундан олган. Унга Европа континентал турмуш маданияти ҳам таъсир қилган, албатта. Масалан, испан колонизаторлари билан бирга Америкага архитекторлар, ҳашаматли сарой ва виллалар қуриш режаларига эга қурувчилар, собор ва ибодатхоналар қуришда катта тажрибага эга мутахассислар ҳам боришган. Таниқли санъатшунос ва маданиятшунос К. Вёрманнинг келтиришича, бу архитектор ва мутахассислар континентал турмуш маданиятини ва шаҳарсозлигини янги қитъага тадбиқ етганлар (Қаранг: Вёрман К. История искусства всех времен и народов. - Москва: АСТ, 2001. С. 741-744).

АҚШ урбанизация бўйича, 2020 йилги маълумотга кўра, 83 фоизни ташкил этган. У дунёда 36 ўринни эгаллайди. Мутахассисларнинг башоратига кўра, у яқин йилларда 92 фоизга кўтарилиши мумкин (Қаранг: <https://visas.am.ru/urbanzaciya-ssha>).

АҚШ цивилизацияси ва урбанизацион тараққиёти баъзилар инглиз маданияти таъсирида, баъзилар испанлар, португаллар, французлар маданияти орқали шаклланган, деб ҳисоблайдилар. Баъзилар эса америкача ҳаёт тарзининг ўзига хос жиҳатлари бор эдики, айнан улар ташқи таъсирларга ўхшамагани учун америкача яшашни шакллантирган.

Таниқли француз социологи ва саёҳатчиси Алексис де Токвиль ва америкалик файласуф Дж.Дьюи ушбу омилларни "америкача демократия"да кўрадилар. Файласуфнинг ёзишича, " демократия ўзидан ўзи кишидан кишига, авлоддан авлодга ўтмайди, жамиятда шундай шарт-шароит яратилган бўлиши керакки, ўта тез ўзгараётган ижтимоий ҳаёт, эҳтиёж ва муаммолар ҳар бир кишини демократия билан яшашга чорласин...

Ўзаро ҳурмат, ўзаро эътироф, сарф қилиш ва наф кўриш, тажриба алмашиш, жамиятни янгилашда ҳар бир шахс қатнаша оладиган, буюк синовда иштирок этадиган, ўзининг индивидуал фазилатларни ва Иродасига қарамай, биргаликда, ҳамкорлик қилиб, ёнма-ён яшашимга ёрдам берадиган муҳитга эришишимиз керак" (Дьюи Дж. Реконструкция в философии. Проблем в человека. - Москва: Республика, 2003. С. 164-165).

Француз саёҳатчиси эса америка демократиясини бизнес ва хусусий тадбиркорлик, муниципал бошқаришнинг, сўз эркинлигининг ривожланганида кўрганда ( Қаранг: Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. - Москва: Прогресс, 1988. С. 223- 248). Айнан эркинлик янги қитъада шаҳарларни, цивилизация ва урбанизацияни йирик ижтимоий-маданий воқеликка айлантди. Бугун АҚШдаги шаҳарлар сони 3 мингдан ошиқ, миллионер-шаҳарлар сони 10 та, 300 мингдан ошиқ аҳолиси бор шаҳарлар 56 та, 100 мингдан ошиқ аҳолиси бор шаҳарлар сони эса 251 та ( Қаранг: ru.m/ wikipedia. org./wiki).

Улардан учтаси ( Бостон-Вашингтон, Чикаго-Питсбург, Сан Франциско-Сан Диаго) мегаполислардир. Бу мегополислардаги турмуш маданиятини таърифлаш учун бир рақамни келтиришимиз мумкин. Яъни АҚШнинг 187 давлатда 21 мингга яқин моливий фаолиятлар олиб борувчи, америкача прагматизм ва ишбилармонликни тарғиб этувчи муассасалари мавжуд. Улар дунёдаги давлатларнинг деярли барчасига, нафақат моливий, шунингдек, ижтимоий-маданий таъсир ўтказиши мумкин ( Қаранг: Тоффлер Э. Метаморфозы власти. - Москва: АСТ, 2004. С.562).

АҚШда барча оммавий-маданий тадбирлар уюштирувчи муассасалар, кутубхона, клуб, рекреация марказлари, ўқув тайёргарлик заллари, оммавий спорт ва соғломлаштириш ўчовлари бизнес, хусусий тадбиркорлар қўлида. Маданий-маиший хизматларни ҳам муниципалитетларга хўжалик ҳисобидаги муассасалар амалга оширди. Оммавий ахборот воситаларининг 80 фоиздан зиёди нодавлат тизимига қарашлидир. Аҳоли турмуш маданияти масалалари фуқароларнинг хусусий ихтиёрида бўлиб, уларнинг маиший-маданий эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган. Шаҳар инфратузилмаси, кўча ва майдонларни ободонлаштириш, бинолар фасадини ва олдини безатиш билан асосан муниципалитет идораси қошидаги архитектура ва дизайн бўлимлари шуғулланади.

АҚШдаги таълим тизими давлат ва контракт асосига қурилган. Олий таълим пуллик.

Шаҳар архитектураси беаб турган осмоўпар бинолар, турар жойлари, савдо ва рекреация марказлари асосан хусусийдир. Хусусий мулк, тадбиркорлик АҚШ иқтисодиёти ва турмуш маданиятини шакллантириб, ривожлантириб келаётган бош омилдир.

АҚШда маданият, тарғибот ва рекреация ўчоқларининг 95 фоиздан ошиғи коммерция ихтиёридадир.

Ижтимоий-маданий ривожланишнинг скандинавия, швеция социалистик модели кизиқарли тажрибаларига эга. Масалан, унда жойлардаги худудий бошқариш органлари фуқароларнинг ташаббуслари билан ташкил этилади, улар маҳаллий аҳоли олдида масъулдир. Мутахассисларнинг уқтиришича, швеция социалистик модели ҳокимият органларини 5/2 соат принципида ишлашга даъват этади, яъни амалдор иш вақтининг беш соатини аҳоли ўртасида, унинг реал ҳаёт муаммоларини ҳал этишга, икки соатини расмий ишларга бағишлайди (Алимасов В. Ижтимоий давлат нима? // Ж."Тафаккур", 2024. 1-сон, 28 б.).

Скандинав моделида ижтимоий-маданий ҳаёт, аҳолининг турмуш маданияти, бўш вақтини уюштириш маҳаллий органлари ихтиёридадир. Масалан, қайси худудга, шаҳарга зарур ижтимоий-маданий ёки маиший объектлар қуриш зарурлигини маҳаллий бошқариш органлари мустақил ҳал этади. Бунда аҳолининг ижтимоий фикри муҳим рол ўйнайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Исмаилов Б. "Иккинчи сектор"да нима гап?// "Хуқуқ", 2018, 5 апрель.
2. "Янги Ўзбекистон", 2022, 24 март.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. " 2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"// "Янги Ўзбекистон", 2022, 18 март.
4. "Янги Ўзбекистон", 2021, 21 сентябрь.
5. Аъзамова Г. Обод маҳаллалар - юртимиз кўзгуси // [www.yuz.uz](http://www.yuz.uz)).
6. Қаранг: [www.yuz.uz](http://www.yuz.uz)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Худудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"// "Янги Ўзбекистон", 2022, 19 апрель.